



MILLIY TIKLANISH

16 (1014) ● 2019 йил 24 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКISTОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель кун Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Қозоғистон раҳбарини жорий йил 9 июнь кун

Давлат раҳбарлари Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга илк давлат ташрифи натижаларини юксак баҳоладилар.

Эришилган келишувларни ҳамда sanoat, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм йўналишларида фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ишбилармонликка оид тадбирлар ва маданий-гуманитар алмашинувларга бой дастури қардош

халқларимизнинг янада яқин бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қозоғистон Президенти табрик ва самимий тилаклар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни стратегик шериклик, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига таянган ҳолда мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

Муносабат

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕЛИК

Шу йилнинг апрели мамлакатимиз тарихи саҳифасига муҳим сиёсий воқелик юз берган ой сифатида муҳрланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи натижалари, хусусан, Президентлар икки давлат ўртасида алоҳида стратегик шериклик тўғрисида имзолаган қўшма Декларация фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига гарчи 27 йил тўлган бўлса-да, лекин бу дўстлик ришталари жуда қадим даврга бориб тақалади. Самарқанднинг Афросиёб музейидаги деворий суратларда акс эттирилган корейс элчилари ҳақидаги қадимий миниатюралар бунинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, икки халқнинг маданияти, менталитети бир-бирига ниҳоятда яқин. Бағрикенглик, меҳнатқашлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, каттага хурмат, кичикка иззат каби азалий эзгу қадриятларимиз бир-бирига муштарак. Бу эса мамлакатларимиз ўртасида барча соҳадаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганининг муҳим омилларидан биридир.

2-бет →

Ўқув-семинар

ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, БУГУН ҲАМ ЯХШИ ЯШАМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида "ЎзМТДП тизимида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳамда "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида аҳоли муаммолари билан ишлаш самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Икки кун давом этган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раислари, ҳудудий кенгашлар Ижроия қўмитаси деовони жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислари иштирок этди.



2-бет →

Конун кучга кирди

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРНИ СОТИШ ВА РЕКЛАМА ҚИЛИШ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

XXI аср инсониятга кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Илм-фан ривожлангани сари ҳаётимизнинг барча соҳасида ўзгариш, янгиланишлар юзага келиб, ихтиро ва топилмалар ҳайратга солаётгани рост. Албатта, бу янгилликлар инсон фаолияти учун ҳам маънан, ҳам мазмунан фақат фойдали бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнги пайтларда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш соҳасини ҳам шу каби янгилликлар четлаб ўтгани йўқ. Хусусан, одамларга энергетик — қувват берувчи ичимликлар ҳам озиқ-овқат савдо шахобчаларида кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Ҳўш, энергетик ичимлик ўзи нима ва қандай тайёрланади? Энергетик ичимликнинг зарари борми?

Маълумотларга кўра, таркибида сув, шакар, кофеин, таурин ва витаминлар мавжуд бўлган энергетик ичимлик дастлаб 1960 йилда Японияда дори воситаси сифатида қўлланилган. Кейинчалик, яъни 1987 йилда Европа ва АҚШга кириб келган.

3-бет →

Фракция фаолияти

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб Ҳисоб палатасининг 2018 йилги фаолияти якунларига доир ҳисоботи тингланди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бюджет маълумотлари шаффофлигини янада ошириш, маблағларнинг шаклланиши, сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган, — деди йиғилишни бошқарган партия Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов.

2-бет →

Сиймоларимиз

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ҚОДИРИЙ!

Абдулла Қодирий асарларига дунё олимлари эътибори, қиёсий ўрганишлари ўзбек адабиёти намуналарининг жаҳон миқёсига чиқарганидан дарак беради. Ўтган XX асрда узоқ ва яқин хоризмда қайсидир маънода "қодирийшунослик" шаклланди. Улардаги талқинлар ўзбек олимлари фикрларида яқин туради: баъзилари маълумот характерида бўлса, айримларида ўзига хос индивидуал ёндашувлар мавжуд.



Германияда Рудольф Радлер муҳаррирлигида нашр этиб келинган кўп томлик "Kindlers Neues Literatur Lexikon"ининг 1990 йилда босилган 9-жилдида "Abdulla Qodiriy. Otgan kunlar" деган икки бетлик мақола ўрин олган.

6-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" —

мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилад

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



Фракция фаолияти

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ



« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари доирасида Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш юзасидан тақдим этиладиган хулосалари мажбурий тартибда эълон қилиб борилади.

Ҳисоботда қайд этилганидек, Ҳисоб палатаси томонидан 2018 йилда жойларга чиқиб 234 минг 514 юридик шахс ва 1,7 миллион нафар жисмоний шахс, яъни солиқ тўловчилар фаолияти таҳлил қилинганида давлат бюджетига қўшимча 4 721,9 миллиард сўмлик даромад манбалари

аниқланди. Бунинг натижасида 2018 йилда бюджетга режалаштирилган 9,1 триллион сўм ўрнига 9,8 триллион сўм тушум (107,1%) тушишига эришилган.

Шунингдек, олий даражадаги таширфлар давомида имзоланган ҳужжатлар бўйича 121,5 миллиард доллар қийматдаги 3 минг 148 келишув ва тадбирлар ижроси юзасидан назорат ўрнатилди. Бевоқифа 14 миллиард доллар қийматдаги 257 инвестиция келишувини жадаллаштириш чораси кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш ва уларни молиялаштириш ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳисоботга кўра масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда жойларга чиқиб ўрганишлар ўтказилди, 853 муаммоли масала бўйича 264,5 миллиард сўм, 52,1 миллион доллар ва 3,6 миллион евролик маблағлар жалб қилинишига амалий ёрдам кўрсатилди.

— Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, давлат бюджети шаклланиши ва даромадларини кўпайтириш заҳираларини аниқлаш, сафарбар қилиш, олий даражадаги таширфлар давомида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳалари ижросини таъминлашга қаратилди, — деди фракция аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — ЎЗМТДП фракцияси Ҳисоб палатаси 2019 йил учун қабул қилинган

давлат бюджетидан Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадрияти бўлмиш маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга ажратилган маблағларни оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириши лозим, деб ҳисоблайди.

Йўғилишда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамага киритилган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

— Маълумотларга қараганда, ўлкамизда бундан саккиз минг йил аввал ҳам дорихоналар фаолият кўрсатган. Бу эса халқимизнинг қадимдан табиблар хизматидан кенг фойдаланиб келганидан далолат беради, — деди фракция аъзоси Дилфуза Жалилова. — Бугун замонавий тиббиёт ривожланган бир даврда ҳам одамларнинг табиблар хизматидан фойдаланишига бўлган эҳтиёжи ортиб борапти. Бу эса ушбу соҳани меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиш заруратини туғдирапти. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига айтиш шу мақсадда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди, қатор тақлифлар билдирилди.

Йўғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Р.МАҲМУДОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ўқув-семинар

ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, БУГУН ҲАМ ЯХШИ ЯШАМОҒИ ЛОЗИМ

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўқув-семинарда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бўлган каби, халқимиз турмушида ҳам ҳар кун ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бераётганини, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинган — Халқ қабулхоналари одамлар билан очик-ошкора мулоқот қилиш, фуқароларнинг муаммолари, тақлиф ва мулоҳазаларини яқиндан ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини қайд этди.

— Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишига эътибор қонун-қон ортиб борапти. Бу, ўз навбатида, барча давлат ва нодавлат ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари субъектлари зиммасига юкка масъулият юклямоқда. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан кўзланган асосий мақсад аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишдир. 2018 йилда ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотлари фаолияти нисбатан фаоллашган бўлса-да, лекин бугунги кун талаб ва тақлифларини инобатга оладиган бўлсак, қуруқ тадбирлардан кўра, аниқ вазифалардан келиб чиқиб, айтиқса, партиянинг «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида аҳолининг муаммолари

масалаларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш борасида қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп, — деди партия етакчиси.

Семинарда таъкидланганидек, ЎЗМТДП Марказий кенгаши, ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига жисмоний ва юридик шахслардан 2019 йилнинг 1-чорагида 2 минг 659 муурожаат келиб тушган. Ундан 2 минг 601 таси ўрнатилган тартибда кўриб чиқибли, тегишли тушунтириш ва жавоб хати берилган. 58 муурожаат назоратда. Шунингдек, партия ҳудудий Кенгашлари томонидан ташкил этилган 13 сайёр қабулда фуқаролар томонидан юздан ортиқ муурожаат ва тақлиф билдирилган. Уларнинг, 27 таси жойида ҳал этилган бўлса, 90 муурожаат юзасидан ўрганиш олиб борилиб, тушунтириш берилган. 76 муурожаат юзасидан тегишлилиги бўйича ташкилотларга сўровлар юборилиб, ижроси назоратга олинган.

Ўтган давр мобайнида ЎЗМТДП партия ташкилотларига келиб тушган муурожаатлар соҳалар кесимида таҳлил қилинганида уларнинг 523 таси бандлик, 418 таси ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, 365 таси коммунал, 304 таси уй жой ва ер масаласи, 257 таси банк кредити, 130 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсия, 662 таси эса бошқа масалаларга тегишлилиги аниқланди.

Таҳлиллар энг кўп муурожаат келиб тушган соҳаларда муаммолар кўплигини кўрсатмоқда. Фуқаролардан келиб тушган муурожаатларни вақтида кўриб чиқиб, ҳал этилишида партия, фракция ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Вақтида ечимини топаётган муурожаатлар эса партияга нисбатан халқ ишончининг ортшига сабаб бўлмоқда.

Семинарнинг биринчи кунини иштирокчилар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалда қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари», «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)да жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизими тўғрисида» мутахассислар маърузаларини тинглади.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари «Mening fikrim» махсус веб-портали орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий муурожаат қилиш тартиби», «ЎЗМТДП тизимида жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари ҳамда «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида аҳоли муаммолари билан ишлаш самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида баҳс-мунозаралар қилди, мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олди. Гуруҳларга бўлиниб, «ЎЗМТДП тизимида жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш ҳолати: муаммо ва унинг ечимини» бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари тадбирнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ қабулхонасининг Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги бўлимига боришди. Қабулхона

мудири Зуфар Маҳмудов меҳмонларни кутиб олиб, бу ерда хизматчилар, муурожаатчилар учун яратилган қулайликлар, ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумотлар берди. ЎЗМТДП фаоллари Халқ қабулхонасида ташкил қилинган тиббий хизмат ва бошқа хоналарида яратилган шарт-шароит билан танишди.

Семинар иштирокчилари «Хончорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган Олмасор тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 14 маҳаллани бирлаштирган 3-сектор штабида ҳам бўлдилар. Меҳмонлар сектор фаолияти билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Жумладан, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этиш, уларнинг эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг муурожаат қилишига оид Конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида барча давлат ва нодавлат идоралар, таълим муассасалари, ташкилот ҳамда корхоналарда «ишонч телефони» ташкил қилинган. Жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган муурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш мақсадида эса «Call center» лар фаолият кўрсатмоқда.

Ўқув-семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам бўлиб, бу ерда ташкил қилинган «Call center» фаолияти билан танишди.

Ўқув-семинарда иштирок этган партия ҳудудий кенгаш раисларининг тадбирдан олган таассуротлари билан қизиқдик.



Ҳамиджон ОМОНОВ,
ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси:

— Ўзбекистон Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевоқифа ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, тақлифлар ҳамда шикоятлар эса қонунда белгиланган тартибда, муддатларда кўриб чиқиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Фуқароларимизнинг бугун Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналарга ўзларини қийнаётган муаммолари, талаб ва тақлифлари бўйича қилаётган муурожаатларидан кўриниб турибдики, одамлар Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш билан бирга талаб қилишни ҳам ўрганипти.

Марказий кенгаш ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу ўқув-семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам ўзаро таъриба алмашган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш тизимини янги босқичга кўтаришдир. Чунки партия бевоқифа фуқаролар билан ишлайди, уларнинг давлат олдидаги қонуний ҳуқуқларини ҳимоялайди, манфаатларига хизмат қилади. Тараққиёт шунчалик шиддат билан ривожланиптики, ҳар кун, ҳар соатда ўзгаришлар қилинапти, талаб ва тақлифлар пайдо бўляпти. Бугунги янгилардан беҳабар бўлдингизми, реал ҳаётдан ортада қоялмасиз. Шу жиҳатдан қараганда, маъруз ўқув-семинар барчамиз учун фойдали бўлди.



Азим СОЛИЕВ,
ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Ҳаёт давом этар экан одамларнинг яхши яшашига бўлган интилиши кучаяверади ва бу янгидан-янги муаммолар ҳамда талабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг ечимини борасида ҳам ғоялар, тақлифлар туғилаверади. Демак, жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш тизимини бирпасга ҳам тўхтатиб бўлмайди. Аксинча, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириб, ривожланган давлатларнинг бу борадаги бой тажрибаларини ҳаётимизга тезроқ таъдиқ қилишимиз лозим.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлар, халқ вакиллари билан бўлган барча учрашув, видеоселектор йўғилишларида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган гапни бежиз қўп таъкидламайди. Чунки одамлар эртага эмас, бугун ҳам яхши яшаш керак. Ўтаётган ҳар бир кунга рози бўлиб, шукрона қилиши лозим. Мадомики шундай экан, ЎЗМТДП ҳам бу борда Президентимизга, меҳнаткаш халқимизга яқин кўмакчи бўлиши зарур.



Ражаббой РЎЗИМЕТОВ,
ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

— Сўнги йилларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш бўйича ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасини нафақат Хоразм вилояти Халқ қабулхоналарига, балки ЎЗМТДП ҳудудий кенгашларига келаётган муурожаатлардан ҳам кўриш мумкин. Илгари одамлар кўпроқ шахсий манфаатларини кўзлаб муурожаат қилган бўлса, энди туман, вилоят, ҳатто давлат аҳамиятга молик масалалар ечимини бўйича ҳам тақлифлар билдирмоқда. Бу ҳам одамларнинг ҳуқуқий билимини ошиб бораётганининг бир исботидир.

ЎЗМТДП Марказий кенгаши томонидан жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари ҳамда «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида аҳоли муаммолари билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган ўқув-семинар эртанги фаолиятимизга дастуриламал бўлди дейиш мумкин. Семинарда бевоқифа ҳудудий кенгашлар Ижроия қўмитаси девонини жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассисларнинг тақлиф қилинган эса бу борадаги ишларнинг амалий натижа беришини таъминлайди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Муносабат

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Икки давлат ўртасида имзоланган 170 га яқин ҳужжат ўзаро ҳамкорликнинг мустақкам ҳуқуқий асосини яратди. Айни вақтда юртимизда корейлик инвесторлар иштирокида 660 га яқин корхона фаолият кўрсатаяпти. Иқтисодий тизимга жалб этилган тўғридан-тўғри корей инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Корей компаниялари асосан нефть-газ, кончилик, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, логистика, туризм каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корей Республикасига қилган давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ташриф мобайнида 20 дан ортиқ

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕЛИК

битим, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, технологик ва бошқа соҳаларда умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган 64 ҳужжат имзоланган эди.

Корей Республикаси раҳбарининг мамлакатимизга қилган жавоб ташрифи чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда умумий қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган муҳим келишувларга эришилди.

2017 йилда давлатлараро ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,19 миллиард долларни ташкил этди. Ўтган йили бу кўрсаткич 2 миллиард долларга етиб, ўсиш суръати 57 фоизга ортди.

Халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси ташаббус ва резолюцияларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Осиё минтақавий гуруҳи доирасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида парламентлараро ҳамкорлик ҳам ривожланиб борапти. Қарийб чорак аср муқаддам Корей Республикаси Миллий Ассамблеясида «Корей — Ўзбекистон» парламент дўстлик Ассоциацияси ташкил этилган эди. 2005 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корей Миллий Ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи самарали фаолият кўрсатиб келяпти.

Корей Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам бўлиб, депутатлар ва Сенат аъзолари олдида сўзлаган тарихий нутқи биз парламент аъзоларида улкан таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон ўз чиқишида икки давлатнинг бундан 1400 йил аввал бошланган дўстлиги, буёқ Ўзбек алломуларининг жаҳон ташаббусига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида алоҳида тўхталиб, тарихий алоқаларни бугунги замон аънавалари билан уйғунлаштириш, парламентлараро муносабатларни янада мустақкамлаш устувор мақсад эканини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг тараққиёти — Корейнинг тараққиётидир. Корей иқтисодий ривожланиш таърибасини, албатта, Ўзбекистон билан ўртоқлашди, — деди Корей раҳбари. — Алоқалар — бу инновация ва, албатта, тараққиёт демокидир. Ўзбекистоннинг тарихи бунга энг кучли асосдир. Корейнинг азалий ва ишончли дўсти — Ўзбекистон билан алоқалари XXI асрда инновация даражасига кўтарилиб, икки давлатнинг умумий тараққиётга эришишига қаттиқ ишонаман.

Мун Чжэ Ин парламентарийлар ҳузуридаги чиқишида икки давлатни боғлайдиган темирйўл қуриш тақлифини илгари сурди. Бу билан у Жанубий Корей Ўзбекистоннинг тараққиётида фаол иштирок этиши мумкинлигини, Ўзбекистон эса Корей орқали дунёнинг энг катта уммони — Тинч океанига чиқиш имконига эга бўлишини таъкидлади. Шунингдек, Корей томонидан мамлакатимизга космик тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик қилиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш, сунъий йўлдошлардан тўғридан-тўғри сигнал қабул қилувчи станция ташкил қилиш бўйича ёрдам кўрсатилиши ҳақида ҳам маълум қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар шиддати ва эришилаётган натижалар салмоғи бутун дунё ҳамжамияти томонидан баралла эътироф этилмоқда. Ривожланган давлатлар биз билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истагида эканини изҳор этаётгани эса, янада қувонarli ҳолдир.

Корей Республикаси яқин ва ишончли дўстларимизнинг энг олдинги сафида турибди. Икки давлат муносабатларининг алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилгани ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг янада барқарорлашуви, ўзбек ва корей халқининг фаровонлиги, давлатларимизнинг жадал тараққиётга хизмат қилади. Бу эса биз депутатлардан ҳам Ўзбекистон ва Корей ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ишларига муносиб ҳиссамизни қўшиш, бор куч-имкониятларимизни сафарбар этишни талаб этади.

Элдор ТУЛЯКОВ,
«Тараққиёт стратегияси»
маркази ижрочи директори,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



Қонун кучга кирди

Давоми. Бошланиши 1-бета.

Бугунги кунда энергетик ичимлик таркибига турли кимёвий моддалар қўшилиб, унинг турлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур ичимликнинг инсон соғлиги учун қандай таъсир этиши ҳақида тиббиёт соҳасидаги халқаро муассасалар (шунингдек, мамлакатимизда ҳам) ўз муносабатини билдирган. Жумладан, 2014 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Австралиянинг Дийкин университетиде (Deakin University) таркибда кўп миқдорда кофеин моддаси бўлган энергетик ичимликларни ичиш, унинг болалар ва ўсмирлар саломатлигига салбий таъсири масалаларини халқаро миқёсда ўрганишга бағишланган биринчи халқаро конференция ўтказилган. Конференция иштирокчилари — олимлар, соғлиқни

жисмоний ва ақлий ишлаш қобилиятини кучайтирувчи, таркибда қувватни оширувчи кимёвий моддаларни ўз ичига олган алкохолсиз ичимликлар — энергетик ичимликлар ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 14-моддасига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга энергетик ичимликларни реализация қилишни таъқиқлаш хусусида меъёр киритилди. Мазкур қонуннинг 164-моддасига мазкур талаб бажарилмаган ҳолатда, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш билан боғлиқ меъёр қўшимча сифатида киритилди.

Қонун лойиҳасида энергетик ичимликларни реклама қилишда ҳам бир қатор чекловлар ўрнатилди. Жумладан, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАРНИ СОТИШ ВА РЕКЛАМА ҚИЛИШ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

сақлаш соҳаси вакиллари ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар хулосасига кўра, энергетик ичимликларни доимий равишда истеъмол қилиш вояга етмаганларда юрак хуружи, ваҳима, кўриш қобилиятининг сусайиши, ақлий нуқсонлар юзага келишига сабаб бўларкан.

Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари мамлакатимиз бозорларига шиддат билан кириб келган энергетик ичимликлар савдоси аҳоли ва бу борада қабул қилинган қонунларни ўрганишни режалаштирди. Хусусан, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари пойтахтимиз ва вилоятлардаги йирик савдо марказлари ҳамда таълим муассасаларида қувват берувчи ичимликларни ичиш бўйича ўрганишлар ўтказган бўлса, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари эса миллий қонунчилик ва хорижий қонунчилик талабларини таҳлил қилди.

Ўрганишлар давомида бундай ичимликларни, асосан, ёшлар истеъмол қилаётгани, энг ачинарлиси, улар орасида ўқувчиларнинг сони ортиб бораётгани аниқланди. Натижалар қувват берувчи ичимликларни татиб кўрган ўқувчилар 60 фоиз ва уни "шунчаки қизиқиш учун" ичиб кўрганлар сони 35 фоизни ташкил этишини кўрсатди. Миллий қонунчилигимизда эса, энергетик ичимликлар умумий газланган ичимликлар тоифасига киритилганлиги, вояга етмаган шахсларга салбий таъсири бўлса-да, уларнинг реализация қилиниши юзасидан ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Ваҳоланки, кўпгина ривожланган мамлакатларда энергетик ичимликларнинг вояга етмаган шахсларга реализация қилиниши юзасидан турли таъқиқлар анча олдин киритилган.

Ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бир гуруҳ аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида энергетик ичимликларга таъриф берилди ва бундай ичимликларни вояга етмаган шахсларга реализация қилиш тақиқланди, реклама сотишга солинди ҳамда қонун ижроси таъминлангани учун жавобгарлик белгиланди.

"Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида берилган таърифта мувофиқ рўйхати ва миқдорини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган, организмнинг

қонуни 221-модда билан тўлдирилиб, унга энергетик ичимликлар рекламасида уларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида огоҳлантириш, бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши кераклиги, энергетик ичимликлар рекламаси ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этмаслиги, ушбу жараёнлар истеъмолчиларнинг ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яқшилиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассуротни юзага келтирмаслиги юзасидан меъёрлар киритилди.

Қонун билан, соат 7-00 дан 22-00 га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш, реклама қилиш мақсадида энергетик ичимликлар намуналарини ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида текин тарқатиш, шунингдек, энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвиридан фойдаланиб асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш ҳам таъқиқланди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвири туширилган товарлар (футболкалар, бош кийимлар, ўйинлар ва шу кабилар)ни тарқатиш, жумладан, сотиш, болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрлар, шунингдек, тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш таъқиқланди. Маълумки, инсон жисмонан соғлом бўлгандагина тўғри фикр юритиши, бажараётган иши самарасини кўра билиши мумкин. Неча минг йиллар аввал ота-боболаримиз айтган "Соғ танда — соғлом ақл" деган ғоя-маъно сўзлар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Бу ўринда эса тўғри овқатланиш ниҳоятда муҳим. Кунга кирган мазкур қонуннинг амалда ижро этилиши ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етишида беқийс ҳисса бўлиб қўйилиши шубҳасиз. Зеро, келажак авлоднинг ҳимоя қилиш учун қўйилган ҳар бир қадам мамлакат тараққиётининг асоси ҳисобланади.

Шухрат Тўхтабоев,
ЎЗМТДП
фракцияси
аъзоси



Партия лойиҳаси — амалда

МУАММОЛАРГА МУЛОҚОТЛАР ОРҚАЛИ ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Пастдарғом туман кенгаши фаоллари халқ депутатлари туман Кенгашидан ЎЗМТДПга сайланган депутат Муқаддас Тиллаева билан ҳамкорликда "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида тумандаги Қаршибод маҳалласи фуқаролари билан юзма-юз мулоқот қилди. Бу жараёнда асосий эътибор аҳолини қийнаб келаятган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга қаратилди.

Шу маҳаллада яшовчи Хосият Эшонқулова маҳалла ақлининг оғирини енгил, узогини яқин қилиш учун туман марказигача автобус қатновини йўлга қўйиш масаласида амалий ёрдам сўради. Мурожаат юзасидан "Ўздарётранс" агентлиги Самарқанд вилоят бўлимига депутатлик сўрови юборилди.

Ташбуви Болиева ҳам мазкур маҳаллада анча йилдан буён истикомат қилади. Ёши салкам 80га яқинлашган онахон ёшларни китобга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида маҳалла марказида китоб дўкони ҳамда кутубхона ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳаза билдирди. Мурожаатчининг тақлифи партия фаоллари ва депутат

томонидан тўла қўллаб-қувватланиб, маҳалладаги тадбиркорларни шу масалага жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мазкур маҳалланинг ёши улуг инсонларидан бири Саъдулла Таниев маҳалла йўллари яроқсиз ҳолга келиб қолганини таъкидлаб, депутатдан бу масалага мутасаддиларнинг эътиборини қаратишни сўради.

Бу масала юзасидан бир қатор ташкилот ва идораларга мурожаат қилдиқ, — дейди Саъдулла Фаниев. — Лекин муаммо муаммоларнинг қилиб кетмоқда. Айниқса, ёнгичарчилик мавсумида автомобилларнинг қатнови ва мактаб ўқувчиларининг таълим даргоҳига қатнашида баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. Бундай салбий ҳолатга вақтида ечим топилса, ноҳусролатларнинг олди олинган бўларди.

Мурожаат юзасидан Муқаддас Тиллаева Самарқанд вилоят Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси Пастдарғом туман унитар корхонаси вакиллари билан боғланиб масалага аниқлик киритди. Мутасаддилар мазкур йўлнинг тегишли қисми давлат дастурига мувофиқ таъмирлаш режасига киритилгани, жорий йил август ойининг охирига қадар маҳалла йўлларининг 70 фоизи тўлиқ таъмирланишини

маълум қилди.

Мулоқот давомида тумандаги Усмонобод маийши хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчи курс талабаси Маржона Нуратованинг ҳам мурожаати безътибор қолдирилмади. У коллежни тугатган олий ўқув юртида ўқиниш давом этириш истаги борлиги, аммо ўзи истаган йўналиш бўйича билимини ошириш учун қўшимча машғулотларга қатнашга моддий имконияти йўқлиги боис партия фаолларидан ёрдам сўради. Маржонанинг талаби партия фаоллари томонидан тўлиқ қаноатлантирилди ва у партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида таъхил этилган информатика фанига ихтисослашган бепул ўқув курсида билимини оширадиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишида партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Шу орқали ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқотга киришиляпти, мавжуд муаммолар ўрганилиб, зудлик билан мақсадли ҳал қилинмоқда.

ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ахборот хизмати

Конференция

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат унверситети Маданият саройида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан "Моддий-маданий, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил қилинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР ҚЎРИҚХОНАСИ

Лекин бундан туризмни ривожлантириш мақсадида самарали фойдалана олаямизми?



Унда ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев, фракция аъзоси Зумрад Бекатова, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хожаниязов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вақфлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда ҳудуддаги бир қанча ташкилот вакиллари иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, соҳа фаолиятини халқаро стандартлар даражасида такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тарихий ва маданий мерос объектларини тиклаш, мамлакатимиз туристик салоҳиятини такомиллаштиришга қаратилган амалий ишлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятида муҳим ўрин тутди. Чунки партия Сайловолди платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби мақсад-вазифалар белгиланган.

Оролбўйи халқлари азалдан дунё тарихи, тамаддуни, маданият ва маърифат тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келган. Тарихий манбалар, археологик топилмалар бундан минг йиллар аввал ҳам бу ҳудудда ҳаёт, маданият, санъат гуллаб яшаганини кўрсатади. Қорақалпоғистон тарихи мамлакатимизнинг барча қадимий минтақалари тарихи каби жуда бой, хилма-хил ва қизқарқандир. Бу заминни ўзига хос археологик топилмалар қўриқхонаси дейиш мумкин. Бу ерда кишининг диққатини тортадиган, ҳайратланти-

радиган қўллаб археологик ёдгорликлар мавжудки, улар ўта ноёблиги ва мафункорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг археологлари мазкур ҳудудда халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихий археологик объектларда чет эл олимлари билан ҳамкорликда илмий археологик экспедицияларни ташкил қилиб келмоқда. Хусусан, Австралия давлат Сидней университети олимлари билан ҳамкорликда Беруний туманида Ташқирман-тепе, Ақшахан қала ва Свенд тобе археологик объектлари ҳамда Қорақалпоқ давлат университетининг илмий ходимлари томонидан Ҳўжайли туманидаги Миздахкан тарихий ёдгорликлар комплексида археологик изланишлар олиб борилди.

Партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имиджини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Туризмни ривожлантириш ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойлиқнинг ҳақон ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши, шунингдек, фуқароларни миллий туғрур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асосий омил деб ҳисоблайди.

— Ўтган 2018 йилда Қорақалпоғистонга келган сайёҳлар сони 16 мингга яқини ташкил қилди, — деди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Байрам Кусекуев. — 2019 йилнинг январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикасидаги меҳмонхона ва жойлаштириш ўринлари жами 1 минг 846 нафар чет элдан келган меҳмонга хизмат кўрсатган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,7 фоизга кўп. Сайёҳларнинг асосий қисми Хитой (256), Россия (186), Қозғистон (143), Туркия (130), Корея (88) ва бошқа давлатларга тўғри келмоқда. Бироқ бундай натижа билан мақтана олмаيمиз. Чунки ҳудудимизнинг сайёҳлик салоҳияти юқори. Биз ундан умумий фойдаланишимиз лозим. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан ҳудуднинг туристик салоҳиятини реклама қилиш мақсадида "Welcome to Karakalpakstan" видеоролиги, Нукус шаҳрининг сайёҳлик хиритиси, экотуризм, этнотуризм ва археологик туризм йўналиши бўйича рус ва инглиз тилида буклетлар, тақдимот материаллари тайёрланди ва бепул тарқатиш йўлга қўйилди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда karakalpakstan.travel сайти ишлаб чиқилмоқда.

Конференцияда соҳага оид қабул қилинаётган қарорлар, давлат дастурлари, амалга оширилаётган ишлар, бартараф қилиниши лозим бўлган камчиликлар ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Конференция доирасида мақоралар танлови эълон қилинган эди. Айни пайтда келиб тушган мақоралар орасидан энг яхшилар танлаб олинди, нашрга тайёрланмоқда ва тез қўнда улар китоб ҳолида нашр қилинади.

Конференция сўнггида иштирокчилар учун Ҳўжайли туманидаги Миздахкан тарихий ёдгорликлар комплекси ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимида жойлашган Жанубий Оролбўйи археология музейига саёҳат ташкил қилинди.

Мирзахмет ТОЖИМУРАТОВ,
ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши етакчи мутахассиси

Давра сўхбати

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Жорий йилда мамлакатимиз парламентида, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортб ҳисобланадиган бир даврага тўғри келмоқда. Бу жараёнда хотин-қизларнинг иштирокини ошириш, депутатликка номзод аёллар учун сайлов тартиб-таомиллари ҳамда етакчилик қобилиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш муҳим саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида "Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда аёлларнинг ўрни" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир шароитда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, шунингдек, Президентимизнинг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари

кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан алоҳида таъкидланди.

Маълумки, бугунги кунда вакиллик органлари ва парламент депутатлари орасида хотин-қизлар улуши 15 фоизни ташкил қилади. Бўлажак сайловда бу натижанинг яхшиланишига эришиш, жумладан, сайловларда хотин-қизлар орасидан номзод кўрсатилишини 50 фоизгача етказиш ва депутатлар орасида уларнинг улуши 30 фоиздан кам бўлмаслигига

эришиш кўзда тутилган.

Давра сўхбатида таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифалар бўйича бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларда аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, орзу-умид, хоҳиш-истак, интилишларини рўйба чикариш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда турли соҳада фаоллик кўрсатиб келаятган бир гуруҳ аёллар тақдирланди, уларга партиянинг аъзолари гувоҳномалари топширилди.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,
ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Дунё парламенлари фаолиятига назар ташласак, уларда аёлларнинг иштироки юқори эканини кузатиш мумкин. Жумладан, Финляндияда "Аёллар тармоғи", Польшада "Аёллар гуруҳи", Албанияда "Аёллар фракцияси", Францияда "Аёллар делегацияси", Норвегияда "Аёллар тармоғи" ҳамда кўшни Қозғистонда "Аёллар иттифоқи" фаолият кўрсатяпти. Бу ушбу давлатларда аёлларнинг ҳар жабҳада илгор эканлигидан яққол далолат беради.

Шу боис бизнинг мамлакатимизда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбага чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусининг биттаси бевосита хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Унинг замирида аёлларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, фарзандлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, ҳаётдан рози бўлиб яшашдек эзгу мақсад мумкин.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб юзга яқин миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди. Жумладан, Конституциямиз аёлларнинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган энг муҳим ҳужжат ҳисобланиб, унинг 46-моддасида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг қатор конвенцияларини Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ратификация қилган. Улар орасида "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида", "Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситилар тўғрисида"ги ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидан. Ўтган икки йил давомида депутатлар ва турли даражадаги ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш тизими орқали иш билан банд бўлмаган минглаб хотин-қизлар аниқланди. Худудларнинг имкониятидан келиб чиқиб уларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлашига, хунарманчиликка жалб қилишга ҳаракат қилинди. Эндиги мақсад-вазифа белгиланган ишларни изчил давом этиришдан иборат бўлиши лозим. Биз фақат ана шундай йўл билан аёллар фаоллигини оширишга эришишимиз мумкин.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эзгу қадам

ЎЗМТДП ФАОЛИ ТАШАББУСИ БИЛАН КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кутубхонага Президент совфаси — 1000 китоб жамланмаси топширилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ўтказиб келинаётган "XXI аср аёли" республика кўрик-танлови ташаббускор аёлларни қўллаб-қувватлаш, улар томонидан тақлиф этилган ғоялар, шунингдек, партия сайловолди Платформасида хотин-қизлар масаласида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур танловнинг ўтган йилги республика босқичида Сирдарё вилоятидан иштирок этган Гавҳар Хусанованинг тақлифлари барчага бирдек манзур бўлиб, танловнинг мутлоқ ғолибаси бўлган эди...

Айни кунда ЎЗМТДП Сайхунбод туман кенгаши "Аёллар қаноти"нинг фаол аъзоси Гавҳар Хусанованинг орзулари ушалди. Яъни тумандаги Ўзбекистон маҳалласида партия ташаббуси ҳамда Сирдарё вилоят ҳокимлигининг савъ-ҳаракати билан "Мумтоз" номли икки қаватли кутубхона қад ростлади...

ЎЗМТДП фаоли Гавҳар Хусанова ўз бизнес лойиҳаси асосида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида маҳалланинг 8 сотих ер майдонида икки қаватдан иборат кутубхона, ўқув зали, мусиқа ва санъат мактаби филиали, савдо дўкони, компьютер хизмати ва ўйинлари, тикувчилик цехи, эркаклар саргарошонаси, гўзаллик салони ташкил қилди. Натижада ундан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ои-

ласи жамғармаси ҳисобидан 500 миллион ҳамда 900 миллион сўм банк кредити маблағи эвазига барпо этилган кутубхона ва хизмат кўрсатиш объектлари маҳалла аҳолисининг маънавий озۇқа олиши ҳамда зарур хизматлардан фойдаланиши учун қўлайлик яратди.

Байрамонда безатилган кутубхонанинг очилиш маросимида сўз олганлар вилоят аҳлини янги ва барча қўлайликка эга бўлган маънавият даргоҳи билан табриклади. Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилётган айни пайтда ЎЗМТДП фаолининг ташаббуси билан бунёд этилган маънавият маскани сайхунбодлик ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлидаги эзгу қадам бўлгани таъкид-

ланди. Партиямиз фаоли, ёш тадбиркор Гавҳар Хусановага Ўзбекистон Республикаси Президенти совфаси — 1000 китоб жамланмаси топширилди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши китоб иштиёқмандларининг хайрли ишлари ва ташаббусларига қанот бағишлади, — дейди Гавҳар Хусанова. — Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган мағзи тўқ китоблар билан таъминлаш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга. Кутубхона ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш.

Нарғиза НУРБОЕВА,
ЎЗМТДП Сирдарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

ШАҲРИХОН ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан Шахрихон туманида Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш ташаббусига асосан кўргазмалар семинар ташкил қилинди. Унда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар, туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими соҳаси ходимлари, ёшлар иштирок этди.

Семинар иши дастлаб Шахрихон тумани Қалмоқ маҳалласида яшовчи, ЎЗМТДП фаоли Фаридахон Маматисақова ташкил этган шинам кутубхона фаолияти билан танишишдан бошланди. Семинарда партия вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича тушунча бериб ўтди. Шунингдек, меҳмонлар ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди.

...Оддий қишлоқ ўқитувчиси бўлса-да, республика ва халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган ЎЗМТДП фаоли Фаридахон Маматисақова анчадан буён ўзи истиқомат қиладиган маҳалладан кутубхона ташкил қилишни кўнглига туғиб, ушбу жойни ҳақиқий зие масканига айлантиришни хоҳлаганди. Ва бу савъ-ҳаракат исзис кетмади. Ташкил қилинган кутубхона қабулхона, китоб сақлаш жойи ҳамда ихчамгина ўқув залидан иборат.

Катта кутубхоналарда бўлгани каби ҳар бир китобхон учун алоҳида картотека юритилган. Ҳатто муҳригача бор. Ф.Маматисақова ҳар ой иш ҳақининг маълум қисмини янги китоблар сотиб олишга ажратгани боис, бугунга келиб китоб фонди бир ярим мингга яқинлашди.

Дастлаб у ўзи таҳсил бераётган мактабдаги ўқувчиларини жалб қилди. Уларга қўшилиб маҳалла болалари ҳам қирадиган бўлди. Ота-оналарнинг ҳам қизиқиши орта бошлади. Олиб борган тарғибот ишлари натижасида бугунги кунга келиб фазол китобхонлар сони 200 нафарга етди. Улар орасида 3 ёшдан 80 ёшгача бўлган ҳамқишлоқлари бор. Дастлаб китобхонлар фақат маҳалладошларидан иборат бўлган бўлса, ҳозир кўшни Найман, Гумбаз, Юзлар, Деҳқонобод маҳалласи фуқаролари, шунингдек, 21, 31, 47, 59, 61-умумтаълим мактабининг ўқувчилари ҳам ушбу кутубхонага аъзо бўлишган. Кутубхоначи болаларни китобга қизиқтиришнинг турли усулларидан фойдаланяпти. Дастлаб, 3, сўнг 5 та китоб ўқиган болага биттадан

китоб совға қилишни йўлга қўйди.

Фаридахон Маматисақова маънавиятимизнинг фазол тарғиботчиси сифатида ўзининг амалий ишлари билан ҳар томонлама етук, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга чоп этиш ҳамда кўрсатиш таҳсинга сазовор...

Семинарда ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши томонидан партия фаоли Фаридахон Маматисақованинг ташаббуси билан ташкил этилган кутубхона фаолиятини вилоят миқёсида амалиётга татбиқ этиш ҳамда Шахрихон тажрибасини жойларда кенг оммалаштиришга бағишланган кўргазмалар семинарларни барча туманларда ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари ушбу маҳаллада яшовчи китоб ва гул шайдоси Одилжон Абдукаримов хонадонидан бўлиб, томорқада етиштирилаётган турли хилдаги гул ва мевали кўчатлар парвартишни кўздан кечириб, уйда ташкил қилинган "оилавий кутубхона" билан яқиндан танишди.

Тадбир давомида партия фаоллари Шахрихон туманидаги Ахборот-ресурс марказига бадий китоблар тўпламларини совға қилди.

Жаҳонгир СОДИҚЖОНОВ,
ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Сайловчилар нима дейди?

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ой ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли муаммолари, жойлардаги ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини ўрганмоқда. Мавжуд масала-муаммоларга жойида ечим топишга, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишга ҳаракат қилаётир. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам муайян савъ-ҳаракатларни амалга ошириб, самарали натижаларга эришмоқда, аҳоли вакилларини ўйлантираётган масалаларни тегишли таш-

килот ва мутасаддилар билан биргаликда ўрганиб, зарур чоралар кўрилишига эътибор қаратаётир. Жумладан, партия етакчиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратовнинг Ҳазорасп туманидаги ўрганишлари давомида жойларда юзага келаётган муаммолар, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида фикрлашилди, фуқароларнинг ечимини кутаётган бир талай муаммоларни ҳал этилди. Амалий натижалар ўз навабатида мушқули енгил бўлган фуқароларнинг миннатдорчилигида акс этаётир.

ДЕПУТАТ КЎМАГИДА ФУҚАРОЛАР МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАЁТИР

Бахтиёр САЛАЕВ,
Карвак қишлоғи Карвак маҳалласи:

— Парламентдаги вакилимизнинг ҳудуддаги ўрганишлари, аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқоти кўпдан бери йиғилиб қолган масалаларга ечим топишда муҳим омил бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, депутатимизга 32-умумтаълим мактаби олдидан ўтувчи йўл ҳудудида ўқувчилар учун йўлакча барпо этиш ҳамда мактаб олдида оғохлантирувчи йўл белгиси ўрнатилишида амалий ёрдам сўрадик. Чунки бу фарзандларимиз хавфсизлиги ва эҳтиёткорлиги билан боғлиқ бўлган муҳим масаладир.

Халқ вакили туман ҳокими ўринбосарига ушбу масала бўйича тавсияларини берди. Натижада мактаб олдида оғохлантирувчи йўл белгиси ўрнатилди, ўқувчилар учун йўлакча ҳам тез орада барпо этиладиган бўлди.

Абдирим ХЎЖАМУРОДОВ,
Янгибозор қишлоғи Алоқали кўл маҳалласи:

— Оиладан кундалик ташвишлар билан бўлиб, уй-жойимизнинг қурилишини тўлиқ аяқунлай олмадик. Бунинг учун қўшимча маблағ орттиришга шароитимиз ҳеч тўғри келмаётган эди. Шундай бир пайтда парламент аъзоси келиб аҳоли билан учрашувлар ўтказгани, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ўргангани айни мудоаа бўлди. Ўзаро мулоқот чоғида битмай қолган уйимизни таъмирлашда моддий ёрдам сўрадик.

Шарт-шароитимиз депутат томонидан атрофлича ўрганилган, у туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Ҳокимлик томонидан моддий ёрдам кўрсатилиб, уйимизнинг битта хонаси пол қилиб берилди, эшик, ром ва ойналар ўрнатилди. Очиғи, кўпдан буён ўйлантириб келаётган масаланинг тез фурсатда ҳал бўлганидан бошимиз кўкка етди.

Райҳон АТАНИЁЗОВА,
Бешта қишлоғи Гулобод маҳалласи:


— Фарзанд — кўз қорачигимиз, ҳаётимиз, эртаимиз. Уларнинг саломатлиги, соғлом бўлиб вояга етиши учун ота-оналар масул, қолаверса, жонкуяр. Агар болаимизга арзимас тикан кирса ҳам унинг ўзидан-да кўпроқ жонимиз оғрийди, ачийди.

Кутимланганда 12 ёшли қизимнинг бир кўзи хиралашиб, бора-бора кўрмай қолди. Бу дарднинг оғирлиги бир томон бўлса, уни даволатиш масаласи бир томон бўлиб турган эди. Депутат Сарвар Отамуратов билан мулоқот чоғида ушбу масалада ёрдам сўрадим. Халқ вакилининг савъ-ҳаракати ва кўмаги билан қизим туман тиббиёт бирлашмаси бош врач томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди, даволаш ишларини тиббиёт бирлашмаси зиммасига олди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Вакилимиздан миннатдорман.



Ҳафиза РАЗЗОҚОВА,
Карвак қишлоғи Гафур Фулом номидаги маҳалла:

— Бугун юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик соҳасига кенг жалб этиб, жамиятдаги фаолиятини ошириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бундай эътибор эса аёлларимиз ва қизларимизнинг шижоатига шижоат қўшаётир. Мен ҳам ишлайдиган хотин-қизларга ҳавас билан қараб, уйда бўш ўтиргим келмади. Депутат билан учрашув чоғида ишлаш ниятим борлигини айтиб, туман Ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштиришда амалий ёрдам сўрадим. Натижада халқ вакили ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Ж.Мадримов кўмагида Ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлашдим. Ҳар бир муаммони ўрганишга, имкон қадар жойида ҳал этишга ҳаракат қилаётган халқ вакиллари омон бўлсин!

Муҳтарома КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



МИЛЛИОНЛАР КЎЗИ ОЛДИДАГИ "МАНЗАРА"ЛАР



Суратлардаги ёзувларни ўқиб, ҳайрон қолаётгандирсиз. Унда шу бугун, айни кеча-кундузда, "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганига қарий 30 йил бўлаётган кунлардаги ҳолат тасвирланган.

Соф ўзбек тилида гапиришни эплогмаётганимиз етмаганидек, лотин ёзуви қоғдаларга амал қилишни янада кучайтириш ўрнига борган сари уни кўпол тарзда бузиб боряпмиз. Кўча-кўйдаги эълонлар, идора ва ташкилотлар пештоғига битилган гиж-гиж илмовий хатоликлардан қачонгача кўз юмиб ўтамиз?! Ҳатто сўнги пайтларда телевидение орқали берилаётган эълон ва янгиликлар, экран остидаги сўзларни

ҳам хатоликлар билан ёзиш "урф"га киргандек. Миллионлаб томошабинлар кўрадиган телевидениедаги ёхуд кўча-кўйдаги бундай нуқсонларни кўриб, наҳот шу даражага етган бўлсак деган хаёлга борасан киши.

Лола МИРАЛИЕВА,
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси

Соғ танда — соғлом ақл

АҲОЛИ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Тошкент вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда Паркент тумани Заркент қишлоғида жойлашган 15-умумтаълим мактабида аҳоли мурожаатлари асосида тиббий кўрик ва маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Унда ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" фаоллари, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоят ҳудудий бўлими ходимлари, санъаткорлар, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур тиббий кўриқда қишлоқнинг 300 нафардан ортиқ аҳолиси шифокорлар кўригидан ўтди. Шунингдек, аҳолига бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Тадбирда ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров мамлакатимизда сўнги йилларда аҳоли, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий тиббий хизматдан ҳар бир инсоннинг эркин фойдалана олиши, шунингдек, аҳолига репродуктив саломатлик бўйича маслаҳатлар ташкил этиш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тарғибот-тушунириш ишларини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

— Партия томонидан ташкил этилган тиббий кўриқдан барча оила аъзоси билан ўтдик, — дейди Заркент қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Шаҳноза Ҳотамова. — Яқинда туғилган фарзандимни ҳам кўрсатиб, малакали мутахассислардан тегишли тавсия ва тушунча олдим. Оиламиз учун зарур бепул дори-дармонлар берилди. Партия томонидан ташкил этилган тиббий кўрик нафақат мени, қишлоғимизнинг барча аҳолисини мамнун этди.

Аҳоли мурожаатлари юзасидан Паркент туманининг Заркент қишлоғида ташкил этилган мазкур тадбир ҳудуд аҳолисининг соғлигини мустаҳкамлаш, аиниқса, аёллар, она ва болалар саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Вилоят ШОДИЕВА,
ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши бош мутахассиси

САМАРҚАНД УНИВЕРСИТЕТИ неча ёшда?

2008 йилда "Академик Ботурхон Валихўжаев илмий фаолиятининг ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида тутган ўрни" мавзусида магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган эдим. Мазкур илмий ишнинг бир бўлимида "Ўзбекистон олий таълим муассасаларига муносабат" мавзуси кўтарилди, унда устоз Ботурхон Валихўжаевнинг армони бўлган университет мадрасаси олиянинг давомчилиги эканлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган эди. Уша вақтда ўзим ҳам анча пайтгача шу мавзу таъсирида юрганман.



Самарқанд давлат университети тарихи бир пайтлар Саъдийдин Масъуд Тафтазоий, Умар Хайём, Саййид Шариф Журжоний, Саломиддин Мусо, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мухаммад Хавофий, Низомий Арузий Самарқандий, Шамсиддин Мухаммад ибн Ашраф ал-Хусайний Самарқандий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий таҳсил олиш учун минглаб қақиримлардан келган ва жуда кўпчилиги устоз сифатида фаолият юритган мадрасага, кейинчалик бутун башариятга осмон илмини ўргатган Мирзо Улуғбек асос солган Самарқанддаги мадрасаси олияга бориб тақалиши кўнглимни фахру ифтихорга тўлдириб юборган эди. Кейин илмий ишим мавзуси ўзгариб, бу фикрларни бироз унутган эканман. Яқинда матбуотда устозимиз Рустам Холмуродовнинг "Ўзбекистон университети неча ёшда?" мақоласи кўнглимдаги ўша туйғуни қайтадан уйғотди.

Дарҳақиқат, инсон доим ўзининг тарихини, ота-боболарининг келиб чиқишини, аждодларининг ўтмишини ўрганишга, билишга интилиб яшайди. Мана шу интилиш ўзи ўқиган, фаолият юритаётган даргоҳнинг тарихи билан қизиқиши, унинг узоқ ўтмиши билан уланадиган ришталарини топишга ҳаракат қилиш ва бошқа ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимининг тарихидан ҳам, бугундан ҳам, келажикдан ҳам кам бўлмаган жиҳатларини асослашга олиб келади.

Илм-фан тарихи ҳақида фикр юритиларкан, уни асослашдан, мавзуни муаммо қилиб кўтаришдан мақсад қачонлардир мадрасалар фаолият кўрсатганлиги эмас, балки юртимизда, хусусан, олим уламолар юрти, илм-фан бешиги, маданиятлар туташган замин Самарқандда олий таълим рус босқинидан кейин (1927 йил) эмас, балки бундан 600-1000 йиллар муқаддам пайдо бўлганлигини таъкидлаш ва исботлашдир. Шарқдан маданият ўрганган, Шарқ назариясини амалиётга татбиқ этиб юқалиб кетган Ғарб олий таълими тизими ўрта асрларга бориб тақалса-ю, шу маданиятни, илм-фанны, назарияни ишлаб чиққан доно Шарқда, унинг маданият ва илм-фан маркази бўлган Самарқандда 1927 йил пайдо бўлганми?

Ўрта асрлар қомусий олимлар таржимаи ҳолини ўрганишимизда, уларнинг аксарияти, дунёнинг бир қанча шаҳарлари қатори Самарқандда таълим олиб, бошқа ерларга ёйилганининг гувоҳи бўламиз. Демак, Самарқандда таълим олиш учун таълим даргоҳлари ва ўқитиш услублари, воситалари мавжуд бўлганки, олимлар, дунёнинг кўзга кўринган кишилари доимо унга ошдиққан.

Магистрлик диссертациям хулосасида "университетимизнинг 590 йиллик юбилеи билан бир-бири мизни қутласак ажаб эмас...", деган фикрни билдирган эдим. Шунга ҳам 10 йил ўтибди... Бугунги таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида, биз, университет жамоаси, келгуси йилда дорулфунунимизнинг 600 йиллиги билан бир-бири мизни табриқлаймиз, дея умид боғлаб қоламиз...

Машхура ҲАСАНОВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мехнатдан кадр топиб...

КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙГАН МУАЛЛИМА

Билим сифати яхши бўлган ҳар бир олий таълим муассасаси — жамиятимизнинг бойлиги. Бу билан улар ўзларига ҳам, жамиятимизга ҳам катта наф келтириши муқаррар.

Жиззах шаҳридаги 22 – ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси, олий тоифали педагог, халқ таълими аълочиси Феруза Пардаева ҳеч иккиланмасдан айна шу тоифага мансуб инсонлар сирасига киритиш мумкин.

Фан кабинетлари, лаборатория ҳамда устаконалар, минглаб китоблар ва электрон адабиётларга эга кутубхоналар ихтиёрида. Бундай шароит касбий мизга меҳримизни янада ошириб, бизни юқори натижаларга эришиш учун руҳлантиради.

Феруза Пардаеванинг Машхура Очилова, Моҳинур Ҳотамова, Лайло Қаршибоева каби шоғирдлари республика ва вилоят фан олимпиадасида биринчи ўринларни эгаллаган. Қолаверса, "Билимлар беллашуви" да ҳам унинг шоғирдлари фахрли ўринларни кўлга киритиб келмоқда.



Ҳа, бу фаннинг синоатга тўла оламида унга меҳри юксак, унинг янгиликларини дилдан ҳис этадиган, англайдиган инсонгина яшай олади. Математика ҳаёт ва борлиқнинг асоси, инсон турмуш тарзининг мазмунидир. Дунёда бу соҳанинг ютуқлари ишлдан-йилга ошиб бормоқда. Қувонарлиси, юртимизда ҳам бу фанга меҳр қўйиб, жаҳон саҳнида эътибор ва эътирофга сазовор бўлиб келаятган ёшлар талайгина. Улардан бири — Сардор Бозорбоевдир.

"МАТЕМАТИКА ҚЎЙНИ ТўЛА СИР Бўлади..."



Ал-Хоразмийдек буюк зотни тарбия этган кўҳна Хоразмда туғилиб, вояга етган Сардор айна кунда Ўзбекистон Миллий университети Механика-математика факультетининг 4-босқич талабаси. Унинг ютуқлари билан танишганимизда "Бўладиган бола — бошидан" деган нақл халқ орасида бежизда айтилмаганига яна бир бор амин бўлдим.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ҚОДИРИЙ!



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Таъкидлаш жоизки, фарб олимлари, умуман, хорижий ўзбекшуносларнинг 90-йиллардаги илмий ишлари 60-70-йиллардагига нисбатан фарқ қилади. Аввалгиларида мафкуравий-сиёсий талқинлар устунлик қилган бўлса, кейингиларида асосан қиёсий-маърифий тахлилларга эътибор қаратилган. Шу ўринда ўзбек адабиётшуносларига яхши таниш олимпиялик олимпиа, Гумбольдт университети профессори Ингеборг Балдауфнинг "Auf der Suche nach der Wahrheit", яъни "Ҳақиқат ахтариб" деган мақоласини эслаш мумкин. Мақола 1990 йили Бамбергдаги "Otto Friedrich Universität" да ўтказилган шарқшуно олимплар анжуманидаги маъруза матнидан иборат. Уни ўзбек тилига Йўлдош Парда таржима қилган ва "Миллий тикланиш" газетасининг 1998 йил 20-27 октябрь сонларида қисқартириб нашр қилинган. Олима бунда муайян бир фалсафий тушунча — ҳақиқатнинг эвришишларини, ҳар даврда ҳақиқат турли моҳият ташиганини, шунга кўра ҳар замоннинг ҳақиқатлари бўлишини ўзбекча матнлар воситасида тадқиқ этади. "Ҳақиқат" тушунчаси "жадидчилик, инқилобчилик, миллатчилик ва ғайридинчилик руҳидаги матнларда" турлича талқин қилинади. И.Балдауф ўз фикрини Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулхамид Чўлпон, Шокир Сулаймон ва Абдулла Қодирий сингари сиймолар ижодидан олинган кўчирмалар билан исботлайди.

И.Балдауф Абдулла Қодирий ижодига ҳам "ҳақиқат" нуқтаи назаридан ёндашади. У адибнинг "Ҳақиқат очик сўзлашадир" деган жумласидан ҳам, унинг бошига келган, асарларига тамғаланган ноҳақликлардан ҳам яхши хабардор. Абдулла Қодирийнинг колхоз ҳаётдан олиб ёзилган "Шубҳа" ҳикоясига адабиётшуносларимиз кам эътибор қаратган. Олима эса "Шубҳа" да икки шубҳани кўради: характер табиатидаги ва "метафорага, бадий, ижодий мусаффоликка ёки бошқача қилиб айтганда, социалистик реализм методининг асослилигига, қонунийлигига билдирилган" шубҳа. Бундай қарашларини назик талқин ўрнида ҳам қабул қилиш мумкин. Шунингдек, мақолада "Обид кетмон" асари муносабати билан, айнан, "ҳақиқат" сўзи ишлатилгани учун профессор Умарали Норматовнинг "Обид кетмон" ҳақиқати мақоласига муносабат билдиради. Профессор И.Балдауф ўзбек адабиётини, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини ўзига хос тушунади, ўзига хос тушунтиради. Баъзида ўзбек адабиётшунослари эътиборсиз қолдирган нуқталарга эътибор қаратади. Буни, албатта, қадрлаш керак.

Германияда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганган олимплардан яна бири Зигрид Клайнмихелдир. У 1993 йили нашрдан чиққан 279 бетлик "Шарқона ёзиш аъёнасининг ривожланиши. 1910-1934 йиллар ўзбек драмси ва насрий асарлар тадқиқи" китобининг махсус бир бўлимини (201-263-бетлар) Абдулла Қодирий романига бағишлайди. "Туркистон ҳаётдан Абдулла Қодирийнинг икки романи" дея аталган маъруза бўлими: "XX асрда ёзилган ҳеч бир ўзбек китоби ҳақида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" (Ўзбеклар ҳаётдан тарихий роман) романи хусусидаги каби кўплаб мақола, хотира, латифа ва афсонлар тарқалган эмас", деган жумла билан бошланади. Сўнг Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни, ўзбекча манбаларга таяниб, "Ўткан кунлар"нинг ёзилиш тарихи, китобнинг халқ орасида жуда

севиб ўқилгани каби масалаларга тўхталади. Олима китобини олмон тили шарқшуносларга мўлжаллаб ёзгани боис, Абдулла Қодирийнинг кимлиги, аниқроғи, таржимаи ҳолига доир саналарни бирма-бир келтиради. "Ўткан кунлар"га бағишланган Сотти Хусайн ва Ойбекнинг асарлари ҳам олима назаридан четда қолмайди: ҳар икки текширувчининг асосий адабий-илмий концепцияси социалистик элементлар билан боғлиқ бўлганини таъкидлайди.

Олима Абдулла Қодирий романидаги образларни ижобий ва салбийга ажратиш беихтиёр содир бўлишини ёзган: "Шоир ва драматурглар етим образидан инқилобдан аввал ҳам фойдаланишган эди. Бундай образ билан

улар одамлар орасидаги ижтимоий фарқни кўрсатишган. Жумладан, етим образи Абдулла Қодирий ижодида ҳам учрайди", дейди ва бунга Уста Олим ҳамда Анварни мисол қилиб келтиради.

Шунингдек, З.Клайнмихел тадқиқотида: "Муаллиф Отабек учун шеърятдаги образларга хос нутқни прозага кўчирди: ошиқ касал бўлиб қолади ва оқ ура бошлайди", "Ота-бола ўртасидаги ўхшаш муносабат (гап Юсуфбек хожи билан Отабек ҳақида — муаллиф) на халқ адабиётида, на насавийда ва на Жўржи Зайдон асарларида кўзга ташланади..." "Бирон шахсга воқеликда мо тушиши мумкин бўлган тасниф ва ўзини тутиш имкониятлари бир неча шахсга бўлиб-бўлиб берилганга ўхшайди" каби эътиборли қарашлар кўп. Муҳими олима ўз талқинларида адибнинг ҳар икки романини ёнма-ён, уйғунликда қиёсий талқин этади ва баъзан халқ оғзаки ижодига ҳам таққослайди. Бу тамойил олимнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романининг хотимасига доир қарашларида ҳам ўз ифодасини топган: "Қодирийнинг ҳар икки романи икки ечимга эга. "Ўткан кунлар"да "қора Ҳомид" устидан қозонилган ғалаба эртақларда учрайдиган бахтли ечимни эслатади. Ваҳоланки, бу билан романининг иккинчи қисми тугаб, учинчи қисми бошланади. Кумуш ва Отабекнинг ўлими бахтсиз ечим бўлса ҳам, у реалистик ечимдир, у эртақларда бўлиши мумкин эмас...

"Меҳробдан чаён" романининг ниҳояси аслида Раънонинг хон саройига келтирилиши билан тугаши керак эди. Унинг отаси тўйга розилик берган. Анвар ўзини четга олган, тўй саруполари аллақачон қабул қилиб олинган. Аммо асарда реал ечим йўқ. Асарга фаройиб, саргузаштчи ҳодисани кўшиш натижасида севишганлар ўша тақдирдан қутулиб қоладилар. Уларнинг мақсади, ўша пайтда аллақачон Россия қўлига ўтган Тошкентга етиб олиш. Бу ерда улар Кўқон хонининг таъқибларидан қўрқмаса ҳам бўлади. Бу иккинчи — бахтли хотимага эртақларда учрайдиган ечим сифатида қараш мумкин" (258-бет).

Олимнинг фикрича, Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романи ана шундай икки фарқли ечимга эга. Шуниси эътиборлики, "Меҳробдан чаён" охиридаги эпилот ҳам ечим-хотима учун катта имконият беради. Зигрид Клайнмихел қаламига мансуб яна бир манба "Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Uzbekistans" ("Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни") деб номланади. Манба 1990 йил 15-16 июнь кунлари Бамбергга ўтказилган Ўрта Осиёга бағишланган илмий анжумандаги маъруза матнидир. Бунда олимнинг Абдулла Қодирий шахсияти, ижодини яхши билиши яққол намоён бўлган. Олима бирор ўринда китобидаги фактларни такрорламайди. Янги маълумотлар — Иззат Султоннинг 1988 йилда ёзган "Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и номли пьесаси, Х.Қодирийнинг 1989 йил "Ёшлик" журналининг 4-7-сонларида эълон қилинган "Қодирийнинг сўнги кунлари" хотира қиссасини эслаб ўтади.

Тадқиқотчининг куйидаги кузатиши ҳам эътиборга лойиқ: "Адабиёт тарихида ёзувчининг (Абдулла Қодирийнинг — муаллиф) туғилган йили, насл-насаби, таълим йўли ва бой адабий ижоди ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин ўлими масаласи очик қолган. Албатта, XIX аср қисман XX асрда бўлган Шарқнинг кўпгина шахсларидагидек, Абдулла

Қодирийнинг ҳам туғилган йили номаълум. Ҳали Абдулла Қодирий ҳаётигидаёқ унинг туғилган йили 1894, 1895, 1896 ва 1897 йил деб берилган. Ҳозирда 1894 йил 10 апрель, деб белгиланди. Худди шунингдек, ёзувчи ҳаётининг энг сўнги лаҳзалари ҳам 1899 йилгача ноаниқ бўлиб келди. У 1937 йил қамоққа олинди ва унинг излари Тошкент қамоқхонасида йўқолди. Оқлангандан кейин ўлган йили сифатида 1938, 1939 ва 1940 йиллар кўрсатилди. 80-йилларнинг охирида келиб Ҳабибулла Қодирий отасининг 1938 йил 5 октябрда ўлимига ҳукм этилгани ва ҳукм шу кунга амалга оширилгани ҳақида маълумот олди", деб ёзади олима Зигрид Клайнмихел.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар, хусусан, архив ҳужжатлари асосида ёзилган манбалар адиб ижодининг хориждаги муҳлисари эътиборини ҳам ўзига жалб этди.

Олима И.Султон пьесасига тўхталиб, мақоласи охирида пьесада фойдаланилган Абдулла Ориповнинг "Оломонга" (1980) шеърини тўлиқ келтиради. Маълумки, шеърда:

Суриштирганмидинг Қодирийни ё, Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

деган сатрлар бор. Олима фикрича, иродасизлик ва лоқайдлик ҳақида жиддий ўйлаш лозим.

Умуман, И.Балдауф, З.Клайнмихел сингари олимпиялик олимпларнинг Абдулла Қодирий ижодига доир ҳолис қарашларини илмий жамоатчиликка етказилиши адиб ҳақидаги фикрлашув майдонини янада кенгайтиради. ***

Қисмат ўлароқ Туркияда истиқомат қилган улкан тарихчи олим Заки Валидий Тўғон ўзининг "Буюк турк эли Туркистон ва яқин тарихи" китобида Абдулла Қодирийга тегишли куйидаги фикрларни ёзади: "Бадий адабиётда Туркистоннинг мозий ва ҳолига оид романлар ёзилганини эшитдик... Боль-



шевикларнинг бир оз рухсат берган йилларида босилганларидан бири, муҳаррир Абдулла Қодирийнинг уч бўлим шаклида нашр қилинган "Ўткан кунлар" номли буюк романидир. Мундарижаси шудир: Кўқон хонлари замонидаги Тошкент ақибдорларидан Юсуфбекнинг ўғли Отабек йўлсизлигига қарамасдан бир мирзанинги қизи бўлган Кумуш олимга, бир қанча мажоралардан кейин уйланади. Айни замонда она ва отасининг талаби билан Тошкент бекларидан Олим кундоши Кумуш олимни туғадиган асносида заҳарлайди. Отабек ҳам Тошкент волиيسى тожик Қаноат шоҳ қўшинида русларга қарши урушда (ҳижрий 1277 — милодий 1860) шаҳид бўлади. Асарда Тошкентнинг сўнги тарихи ҳаётидаги оила фожелари мавзу бўлиши билан бирга, у замондаги турли кент турки ва ўзбек зумралари ҳаётига оид гўзал ва тафсилли тасвирлар бор. Тошкент ҳокимлари бўлган Азизбек, Нормухаммад қўшбеги, Мусулмонқул ва Қаноат шоҳ каби тарихий шахсиятлар, сарт (кент турки) ва қипчоқ қабилар билан низолари, умумий ҳис ила қабила феодализи руҳларининг муждаласи баҳс мавзуси этилгандир. Асарнинг бош қаҳрамонлари умуман ватанпарварлардир. Рус истилосига қарши туриб жиддий равишда курашадилар. Қабила низоларида ҳам Юсуфбек ва ўғли

Отабек ҳоким ва беклар йиғинида умуман миллий манфаатларни муҳофаа қилсалар ҳам, Кўқон хони Худоёрхоннинг сарт ва тожик тарафдорлиги, ўзбек ва қипчоқ зиддиятларини илтизом этиши билан масалага аралашадилар. Отабек ва Кумуш олимнинг замона адабий мажлисларига ҳам эътибори бор. Мажлисларда чигатой адабиёти ва Фузулийни ўқийдилар. Мақтублари жуда адабийдир. Отабек айни замонда мусиқашунос ва аскардир. У Оқмасжиднинг муҳофаасида қатнашади".

Заки Валидий "Ўткан кунлар" романига ёзган шарҳида романининг сюжетини қисқача гапириб берган. Тарихчи олимни романдаги тарихий воқелик ва шахслар қизиқтиради. Асардаги образларга ватанпарвар сифати берилиши жуда ўринли. Отабек билан Кумушнинг адабий дидига ҳам тўхталиб, ўз даврига хос бадий асарлар ўқишлари, ўзаро мақтубларининг жуда гўзал экани алоҳида таъкидланади.

Турк китобхонлари "Ўткан кунлар"ни 1993 йили Аҳсан Ботур таржимасида ўқиди. Шунингдек, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига оид энг кейинги тадқиқотлардан бири сифатида туркиялик ёш олим Азиз Мерҳан ёзган "Абдулла Қодирий ва ўзбек романининг туғилиши" китобини кўрсатиш мумкин. Муаллиф Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўлини, қаҳрамонлари табиатини, услубини, шунингдек, адиб ижодига билдирилган муносабатлар тарихини текширади. Ўзбек ва айрим хориж олимпларининг эътирофлари тадқиқотчи назаридан четда қолмайди. Муҳими, Абдулла Қодирий ижодини турк ўқувчилари, зиёлиларига таништиришда бу китобнинг аҳамияти катта. ***

Озарбайжонлик олима Олмос Улвий ўзининг "Ўзбек адабиёти" китобида Абдулла Қодирий ва Озарбайжон мавзусига алоҳида тўхталади. Бу уринда ўзбек адабиётига тегишли маълумотларни қайд қилиш билан

бирга "Ўткан кунлар"нинг озарбайжон тилига таржималари юзасидан ҳам маълумот беради. Маълумки, Холид Сайид Хўжаев романи 1928 йили озарбайжон тилига таржима қилган эди. Ушбу таржимага ўзи сўзбоши ёзиб, Абдулла Қодирийнинг тарихий хизматлари, романининг кадр-қийматига баҳо беради. Мутаржим асарни озарбайжон тилига таржима қилиш асносида унинг айрим ўринларини қисқартирганини ҳам айтади. Шу боис романининг янги таржимасига зарурат пайдо бўлади. Олмос Улвий маълумотига кўра, "Ўткан кунлар"ни ёзувчи Исҳоқ Иброҳимов 1960 йили озарбайжон тилига қайта таржима қилади. ***

Адабий алоқалар, ўзбек ва туркман адабиётининг ўзаро таъсири юзасидан жиддий тадқиқотлар олиб борган профессор Каримбой Қурамбоев Абдулла Қодирий туркман ёзувчилари, хусусан, "Қисмат" романи муаллифи Хидир Деряевнинг сеvimли устози бўлганига алоҳида ургу беради. К.Қурамбоев ёзилиш услуби, таъсирчанлиги, ўқилиш даражаси жиҳатидан "Ўткан кунлар"га яқин туришига, туркман адаби ўз романини ёзишда Абдулла Қодирий таърибаларига таянганига ургу беради.

XX асрнинг 20-йилларида Тошкентда таълим олган Х.Деряев бу далилни ўзи ҳам

эътироф қилади: "Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романилари менда бир умрга унутилмас тассурот қолдирди ва илҳом бағишлади. Шу илҳом таъсири натижасида менда бир фикр туғилди. Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор-ку, мен ҳам шу ўтмишдан бир роман ёзсам бўлмай-дими? Шундан кейин туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш истаги кучайди. Абдулла Қодирий романида таъсирида пайдо бўлган бу фикр Тошкентда ўқиб юрган йилларимда ҳам, Ашхободга ишга қайтганимдан кейин ҳам менга тинчлик бермади".

Х.Деряевнинг ижодий нияти "Қисмат" романи шаклида юзга чиқди. Абдулла Қодирийдан олинган таъсир ва илҳом туркман ёзувчисининг ижод лабораториясида сайқал топиб, ўзига хос индивидуаллик касб этди. ***

Абдулла Қодирийнинг таржима қилинган асарлари турли миллат ўқувчилари, шунингдек, дунёнинг турли тарафидида истиқомат қилаётган ўзбекларнинг сеvimли китобидир. "Ўткан кунлар" романи 2017 йил кузида Афғонистоннинг "Карвон" наشريётида эски ўзбек ёзувида босилиб чиқди. Романи араб имлосига афғонистонлик журналист, ижодкор ва таржимон Муҳаммад Ҳасан Тўлқин ўғирган. Муҳими, эндиликда афғонистонлик ўзбеклар Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"дек бебаҳо бир асаридан баҳраманд бўладилар.

Муҳаммад Ҳасан Тўлқин "Бу роман, ҳақиқатан, менда жуда катта таассурот қолдирди. Буни тилда ифодалаб бера олмайман. Кимки "Ўткан кунлар" романини ўқиса, кейин ўзбек тилининг қанчалик бадий жиҳатдан кучли, бақувват эканини сезиб олади... Мен бу романи бир марта эмас, ўн марта ўқиганман. Бу роман бадий нуқтаи назардан Абдулла Қодирийнинг қалами нақадар ўткир эканини кўрсатади, ўз қаҳрамонларининг ҳар бирини қандай қилиб қаламда ифодалагани, уларга қанчалик кучли тасвир бергани, ҳақиқатан, одамни лол қолдиради", деган фикрлари ҳам орадан сал кам бир асрлик вақт ўтганига қарамай адибнинг дурдона романи ҳамон ўз ўқувчисини ҳаяжонга солиб келаётганини кўрсатади.

Абдулла Қодирий ҳаёти тўғрисида "Жинлар базми ёхуд Катта ўйин" номли роман ёзган Абдулхамид Исмоил "Ўткан кунлар"нинг араб имлосида нашр бўлганига: "Буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлари" Афғонистонда ўзбек тилида чоп этилибди, деган хабар барчамизни бағоят қувонтиради. Бу нафақат афғон ўзбекларига, балки арабча имлода ўқийдиган барча туркийзабон ўқувчиларга — Қашғардан тортиб то Саудия Арабистонига қадар — ажойиб тортиқдир...", деб муносабат билдиради. ***

Умуман олганда, Абдулла Қодирий асарларининг дунё бўйлаб тарқалиш жараёнлари, таржима, тадқиқ ва талқинлари XXI асрда ҳам давом этмоқда. Хориждаги олимплар Абдулла Қодирий асарларини турли аспектларда ўрганар экан, албатта, баъзи тарихий мақолаларда тузумлараро ғоявий кураш таъсири, айримларида ўта субъектлашув ҳолатлари кузатилади. Шунингдек, Абдулла Қодирий ижодини иккинчи бир миллат ёзувчилари ижодига қиёсан ҳолис ўрганган ёки жаҳон адабиётшунослиги методлари контекстида ўринли талқин этган олимплар ҳам бўлди. Қодирийшунослик тарихидаги бу омпилар, биринчидан, ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига етарлича таништиради, иккинчидан, нафақат муомтоз ўзбек адабиёти дурдоналари, балки XX асрнинг истезводли адибларининг ҳам жаҳоннинг машҳур ижодкорлари қаторида ўз ўрни борлигини билдиради. Бу ҳақиқатни бошқаларга теранроқ англатиш учун ўзбек адабиёти намуналари кенг миқёсда дунёга чиқиши ва ўзбек зиёлиси бу йўлда чин фидойи бўлиши лозим.

Баҳодир КАРИМОВ,
Алишер Навоий
номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили
ва адабиёти
университети
профессори,
филология фанлари
доктори



Қадриятларимиз

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС МИЛЛИЙ РЎЙХАТИ ЯНГИЛАНДИ

Асрлар давомида халқ дилига жо бўлган, унинг истеъдодли вакиллари томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, бойиб келган номоддий маданий меросимиз ўзбек миллати маънавияти, саноияти, бадиий-эстетик дидини намоён қилувчи ёрқин кўзгудир.

Мамлакатимизда халқимиз маънавий меросини тўплаш, муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг танитишга катта эътибор қаратилиб, қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳа ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган, ҳозирги кунда "номоддий маданий мерос" ибораси билан номланиб келинаётган миллий урф-одат ва маросимларни, халқ ижодиёти дурдоналарини сақлаш, келгуси авлодга етказиш, улардан туризмни ривожлантириш, ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борада 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 7 октябрда тасдиқлаган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказида ташкил этилган Номоддий маданий мерос ҳужжатларини архивлаштиришни илмий-методик таъминлаш бўлими номоддий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ҳужжатлаштириш мақсадида Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий ва Маҳаллий рўйхатларини изчил тўлдириб, янгиланган бормоқда. Соҳада амалга оширилган ишларни тарғиб этиш мақсадида Марказнинг www.nmm.uz сайти ташкил этилган. Бундан ташқари, "Номоддий маданий меросни сақлаш, тарғиб этиш ҳамда online тизимига ўтиш" халқаро лойиҳаси бўйича www.ich.uz сайтини янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берувчи андозалар асосида ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий ва Маҳаллий рўйхатлари илмий-фольклор экспедициялар натижаси асосида шакллантирилиб, мунтазам янгиланган бораётир.

Бугунги кунгача Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатида Ўзбекистон-



дан "Бойсун маданий муҳити" (2008), "Шашмақом" (2008), "Катта ашула" (2009) ва "Наврўз" (2009), "Аския — сўзамоллик санъати" (2014), "Палов маданияти ва аънаналари" (2016) каби 6 меросимиз киритилган.

Рўйхатларга киритилган объектлар ва улар тўғрисидаги ёзма маълумотлар, фото ва видео материаллар Номоддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш бўйича Илмий-услубий кенгаш аъзолари томонидан ўрганилиб, илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шу йилнинг март ойида мазкур Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий рўйхатидан ўрин олган объектлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, уларнинг тарихи, мероснинг яшовчанлиги, ижтимоий аҳамияти, саклови ва етказувчиларига оид ёзма, фото, видео материалларни доимий равишда янгиланган бориб, маҳаллий рўйхатларни соддалаштириш, фақат ҳудудга хос бўлган, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, замона мослашиб яшаб келаётган элементларни киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозирда Ўзбекистон номоддий маданий меросининг Миллий рўйхатига ўзлики намоён этишининг оғзаки шакл ва аънаналари, ижрочилик санъати, маросим байрамлари, табиат, кинотта оид билим, урф-одатлар, аънавий хунармандчилик билан боғлиқ илм, кўникмалар каби соҳалар бўйича 107 объект киритилган.

Кенгашда, шунингдек, Миллий рўйхатга Ўзбек жанг санъатини ижрочилик санъати йўналиши бўйича, аънавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар йўналишига эса миниатюра

санъатини киритиш, масхарабозлик, кўзбой-логичлик, бесужбозлик, полвонлик каби санъат турларини дор, дорости томошалари санъати деб умумийлаштириш, ҳар бир ҳудудда номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича Экспертлар гуруҳини ташкил этиш, ушбу гуруҳларга олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ ходимларини жалб этиш ҳақида фикр алмашилди.

— Ўзининг умрбоқийлиги, тарбиявийлиги, халқ дилига яқинлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб турувчи бахшичилик санъати миллиятимизнинг турмуш тарзини, дунёқарашини юксак бадиий ифода этирайдиган азалий қадриятир, — деди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. — Термиз шаҳрида ташкил этилган бахшилар мактабини Республика мактаб интернатига айлантириш ҳамда ҳудудлардаги иқтидорли ёшларни танлов асосида саралаб, уларни ушбу мактаб интернатига ўқитиш, ҳудудда фаолият кўрсатаётган болалар муסיқа ва санъат мактабларида дostonчилик ва бахшичилик санъати йўналишини таълим дастурларига киритиш, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида дostonчилик ва бахшичилик санъати мутахассислиги бўйича махсус бакалаврият ҳамда магистратура таълим йўналишини ташкил этиш зарур. Зеро, аждодларимиздан қолган бу улкан мерос миллат қалбида эзгу ният ва улғу мақсадларга интилиш, Она Ватанга муҳаббат, эҳтиқод туйғусини янада кучайтиради. Марказ томонидан ҳудудларда ташкил этилган бахшилар мактаблари ўқитувчи ва ўқувчиларини методик қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон радиоканали Олтин фондида сақланаётган "Авазинг уйланиши", "Чамбил қамали", "Пахлавон Маҳмуд ота", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" дostonлари тасмадан МРЗ форматда CD дискларга кўчирилди, "Авазинг уйланиши", "Олтин қобок", "Интизор", "Равшан ва Зулхумор", "Оламон билан Қорамон", "Тўрўғелининг тугилиши ва ўсмирлиги" ҳамда "Чамбил қамали" дostonлари нашрга тайёрланди, китоб ҳолида чоп этилди.

Халқ ижоди шу халқнинг донолиги, санъати маҳсули. Чиндан ҳам ёш авлодди юксак маънавиятга, баркамол инсон қилиб тарбиялашда, миллий қадриятларимизга бўлган эҳтиқодини шакллантиришда номоддий маданий меросимизнинг ўрни бекиёс. Зеро, миллий ўзлигини англаш, аждодларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини асраш ва улардан самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

Назокат ЮСУФЖОНОВА, журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Бугунги кунда дунё миқёсида семизлик билан боғлиқ жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Айниқса, Европа давлатлари аҳолиси бу муаммага кўпроқ дуч келаётир. Одатда, кўпчилик хотин-қизлар семизликка қарши курашининг энг осон йўли кам овқат ёйиш ёки оч юриш деб ўйлашади. Аслида бу мутлақо хато тушунча.

СЕМИРИШ ҲАМ КАСАЛЛИК



Боскичда масхара қилсан, учинчисиди ачинасан. Тўғри овқатланиш узоқ умр кечирининг муҳим омилдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, семиз одамларнинг 69 фоизи, озинларнинг эса 90 фоизи 70 ёшгача яшайди. 80 ёшга эса озгин одамларнинг 30 фоизи, семизларнинг 10 фоизи киради, холос. Бу кўрсаткичлар ҳам семизлик жиддий муаммолардан бири эканидан яққол далолат бермоқда.

Шу ўринда семизлик "унима, касалликми", деган савол тугилиши табиий. Гап шундаки, мабодо семизлик касаллик бўлмаган тақдирда ҳам одамда қон босимининг кўтарилиши (гипертония), инфаркт, фалажлик (инсульт), саратон, сурункали гепатит, депрессия, остеохондроз, остеоартроз, нефрит ва бошқа кўплаб касалликларга олиб келувчи иллат ҳисобланади. Семизликнинг асосий сабаблари: кўп ухлаш, қўшимча моддали ва тайёр овқат (фаст-фуд), гени ўзгартирилган мева, сабзавотлар билан овқатланиш, кам ҳаракатли ҳаёт тарзидан келиб чиққан гормон мувозанатсизлиги, доимий равишда таъсир этувчи стресс ҳолатлари, моддалар алмашинувининг бузилишидир.

Ортиқча вазнга эга бўлган кишилар албатта, қуйидагиларга эътибор бериши шарт: кечкурун қаттиқ жойда ухлаш, кийимлар табиий матоддан бўлишига аҳамият бериш лозим. Гени ўзгартирилган, қадокланган, қўшимча моддали озиқ-овқатлар, қола, шарбатлар, тайёр ичимлик кабиларни мутлақо тановул қилмаслик керак. Озуқалардан миջозига мос бўлган гўшт, ловия, мош, гречка, балиқ, кепак-ли ёки арпали нон, гуруч, сули, пишлоқ ейиш талаб этилади. Овқатни яхшилаб чайнаш, бошқа турдаги таомлар билан аралаштирмаслик, асосан бир хил турдаги таом истеймол қилиш, кунига 1,5–2 литр тоза сув ичиш, кунлик таомнамодан тайёр овқат (фаст-фуд) лар миқдорини 1 ёки 2 мартага камайитириб, аста-секин бундай овқатларни мева ва сабзавотлар, қўкатлар билан алмаштириш мақсада мувофиқ.

Ошқозон ва ичаклар фаолиятини нормаллаштириш, қабулнинг олдини олиш, лозим бўлса, ҳолатига қараб даволаш, давомли равишда ҳафтада 2 марта парҳез сақлаш керак. Ички гормон безлари касалликларини даволаш, ҳаракатни кўпайтириш, мисвок қўллаш, сув муолажалари, жумладан, ҳовузда қўмилиш ва сузишни доимий давом эттириш, саунага бориш ҳам семиршига қарши самарали усуллардан ҳисобланади.

Айниқса, болаларнинг овқатланиш тарзига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ота-оналар фарзандларига бу борада ибрат бўлиши керак. Чунки семизлик касаллик сифатида болаларда ҳам учрайди. Улар семизлиги асосан генетик бузилишларга боғлиқ жараён саналади. Яъни, ўзгартирилган моддалар истеъмоли бундай касалликка сабаб бўлади. Печенье, тайёр ичимликлар, бўтка ва босимнинг кўтарилиши (гипертония), инфаркт, фалажлик (инсульт), саратон, сурункали гепатит, депрессия, остеохондроз, остеоартроз, нефрит ва бошқа кўплаб касалликларга олиб келувчи иллат ҳисобланади. Семизликнинг асосий сабаблари: кўп ухлаш, қўшимча моддали ва тайёр овқат (фаст-фуд), гени ўзгартирилган мева, сабзавотлар билан овқатланиш, кам ҳаракатли ҳаёт тарзидан келиб чиққан гормон мувозанатсизлиги, доимий равишда таъсир этувчи стресс ҳолатлари, моддалар алмашинувининг бузилишидир.

Ортиқча вазнга эга бўлган кишилар албатта, қуйидагиларга эътибор бериши шарт: кечкурун қаттиқ жойда ухлаш, кийимлар табиий матоддан бўлишига аҳамият бериш лозим. Гени ўзгартирилган, қадокланган, қўшимча моддали озиқ-овқатлар, қола, шарбатлар, тайёр ичимлик кабиларни мутлақо тановул қилмаслик керак. Озуқалардан миջозига мос бўлган гўшт, ловия, мош, гречка, балиқ, кепак-ли ёки арпали нон, гуруч, сули, пишлоқ ейиш талаб этилади. Овқатни яхшилаб чайнаш, бошқа турдаги таомлар билан аралаштирмаслик, асосан бир хил турдаги таом истеймол қилиш, кунига 1,5–2 литр тоза сув ичиш, кунлик таомнамодан тайёр овқат (фаст-фуд) лар миқдорини 1 ёки 2 мартага камайитириб, аста-секин бундай овқатларни мева ва сабзавотлар, қўкатлар билан алмаштириш мақсада мувофиқ.

Нигора НИШОНБЕКОВА тайёрлади.

Табиат дарсхонаси

СИР-СИНОАТГА ТўЛА ҚОЯТОШЛАР...

ЎТМИШДАН СўЗЛАЙДИ

...Нурота ва Моргузлар тизма тоғлари кесиган жойда мўъжаз Ғўбдин қишлоғи жойлашган. Аҳолиси, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Кенг яйловларда қўй-қўзиларнинг яйраб кўпайиши учун шарт-шароитлар етарли бўлганлигидан аҳолининг турмуш тарзи йилдан-йил яхшиланиб бораётир. Бу ердаги банд қоятошларда акс этган суратлар узоқ ўтмишдан "сўзлайди"...

Қоятошлардаги суратларда тоғ эчкиси, архарлар, уй ҳайвонлари, сурув ордин келаётган чўпон каби кўйлаб тасвирлар акс эттирилган. Улар қоятошларга ўйиб ишланган бўлиб, ўлкамизнинг нодир дурдоналари ҳисобланади. Аҳоли масканидан анча узоқда бўлганлиги ҳамда шомол ва ёгингарчиликлар таъсир кўрсата олмаган суратлар бугунги кунга қадар яхши ҳолатда сақланган. Суратлар аждодларимиз томонидан тошларга ўйиб ишланган.

Ҳар бир тошнинг ўзига хос хусусияти бор. Улардаги ноёб дурдоналарнинг контурлари аниқ ва равшан ифодаланган. Суратнинг ҳар бир қисми (детали) моҳирона бажарилиган. Ушбу тасвирларни кўздан кечирарканмиз, ўтмишда ҳам ўлкамиз табиати бой ва хилма-хил, уй ҳайвонларининг кўпайиши учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Тоғларда тўп-тўп ҳолда жамланган харсантошлар кўп. Баланд тепалиқда худди икки қўчқор шохлашиб

тош қотганга ўхшайди. Айиқ, тошбақа, балиқ каби жониворлар ёки инсон қиёфасига ўхшаш тошлар ҳам мавжуд. Қоятошларга ҳеч қанч ишлов бермаган, тарашламаган. Табиатнинг беназир рассомлиги оқибатида ушбу ноёб "санъат асар"лари юзага келган.

— Табиатимиз сир-синаот, мўъжизаларга бой, — Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мафтуна Норкулова. — Ўзининг бағрида не-не сирларни яшириб келмоқда. Кўриб турганимиз қоятошлардаги суратлар ҳам табиатнинг бизга инъом этган беназир тўхфаси, десак асло муболага бўлмайди. Суратларни кузата туриб, қоятошларга инсон қўли тегмаганига, ишлов берилмаганига ишониб қийин. Хайкалтарош ёки рассом санъат асарига обдон жон бағишлагандек қўрқинади, гўё. Юртимизнинг мана шундай мўъжаз гўшаи каби сирли максадалар ҳамма жойда ҳам учрайвермайди.

Сафаримиз давомида қадамий тош ўчоқ, меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган улкан

тошлардаги бир неча айвон ва сўпаларга ҳам кўзимиз тушди. Улардан ўтмишдаги аждодларимиз уй-рўзгор ишларида фойдаланишган.

Умуман олганда, Фалларол тумани ҳудудда жойлашган Ғўбдин қишлоғидаги қоятошларда жами 300дан ортиқ сурат мавжуд экан. Саёҳат давомида бу каби нодир "асарлар" улғайиб келаётган ёш авлодди ўлкамиз табиати ва ҳайвонот олами билан таништиришда муҳим аҳамият касб этишини ҳис этдик.

Қоранғул қишлоғи ҳудудидаги айрим тошлар ҳам турли нуктадан турлича кўриниши ҳайратланарли. Улар олисдан одам гавдасини, ибодат қилаётган аёлни, йиғлаётган болани, қўй-қўзилар боқиб юрган чўпонни эслатади. Келинтош эса худди сизга салом бераётгандек туюлади. Шунда беихтиёр табиат — моҳир хайкалтарош эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Баҳорги таътил кунлари ўқувчилар билан уюштирилган саёҳатимиз давомида нонтош, кенг, ёйиқ суға ҳамда туҳумсимон тошларга ҳам дуч келдик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиатнинг бу сирли топилмалари неча-неча асрлар муқаддам турли вулкон отилишлари, вақт ўтган сайин тоғ жинсларининг емирилиши ҳамда кучли шомол туфайли вужудга келган. Дара бўйлаб тобора юқорига кўтарилар эканмиз, қаттиқ, ялтироқ,

худди пичоқ билан кесилгандек қўринишдаги баланд қоятошлар тоғ эчкиси, хўкиси, қўй-қўзи, бўри, қоплон ҳамда турли кушларнинг суратларини кўрдик. Шунингдек, қадимда оқ маросимда қўлланган ўк-ёйлар ҳам моҳирона акс эттирилган. Уларда ўтмишдаги аждодларимиз дунёқарашини, тасаввури ва ҳаёт тарзи ифодаланган.

Қоятошлардаги суратлар ёмғир ёққанида ёки кўёш тик тушганида кўзга яққол ташланади. Табиатнинг бу мўъжизаларидан ҳайратланмаслиқнинг иложи йўқ. Сирасини айтганда, Қоранғул қишлоғидаги қоятошлардаги йиғирма бешга яқин ҳар хил сурат ва тасвирлар ўқув даргоҳимизда фаолият юри-таётган "Ёш табиатушнослар" тўғараги аъзоларига бир олам завқ бағишлаш билан бирга, уларнинг ёдлариди узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ўлкамизнинг бой мероси ва тарихий аҳамияти ҳақида ёш авлодди мунтазам таништириб бориш уларга маънавий-руҳий куч беради, ўтмиш ва келажакка ҳурмат, Ватанга муҳаббат, қадриятларга садоқат туйғуларини шакллантиради.

Мунира ОЧИЛОВА, Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси

Эълон!

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқич-ма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига "AVTONEFTTRANS" МЧЖга тегишли техник носоз ҳолатдаги куйидаги автотранспорт воситалари (тягачлар) кўйилмоқда:

- 1. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 093 QBA. Бошланғич баҳоси — 221 883 630 сўм.
2. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 094 QBA. Бошланғич баҳоси — 227 234 294 сўм.
3. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 095 QBA. Бошланғич баҳоси — 229 428 044 сўм.
4. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 096 QBA. Бошланғич баҳоси — 236 972 458 сўм.
5. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 097 QBA. Бошланғич баҳоси — 239 166 208 сўм.
6. MAN TGS 26.400 6X4 BLS русумли, 2011 йилда и/ч, д/р: 10 624 QBA. Бошланғич баҳоси — 221 883 630 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 27 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 24 май соат 16:00. Савдо фoлиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сoтувчи билан олди-сoтди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2019 йилнинг 27 май куни савдосига сoтилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 31 май ва 12 июнь кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини закат келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАББ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лoзим: Х/П: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурoжаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темуr кўчаси, 45-уй, 3-қават. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғани МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амирддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Орфияли ҚОЗОҚОВ, Муҳаммадjon ҚУРОНОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБЕКОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуr кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЫ: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: "Буюк Турун" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанин чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 426, Адади — 3007. Газетанин баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА
Саҳифаловчи: Жалопиддин УРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.20.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКISTОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ISSN 2010-7714

